

ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ҲАВЗАСИ ВА УНИНГ АЙРИМ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

**Ҳоликулов Ш.Т., Разикова З.Э., Сиддиқова З. Самарқанд давлат
университети**

Хулоса қилиб айтганда, мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, давлат тизимидаги сув ҳўжалиги, экология ва бошқа ваколатли ташкилотлар, мавжуд камчиликларни олдини олиш учун барча қонуний чора-тадбирларни кўришлари зарур.

Зарафшон водийси Ўрта Осиёнинг энг қадимги ва муҳим деҳқончилик ҳудудларидан бири ҳисобланади. Водийда Самарқанд, Бухоро каби дунёга машҳур шаҳарларнинг жойлашганлиги ҳам бежиз эмас. Дарё Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмаларида жойлашган Зарафшон музлигидан бошланиб, қор ва муздан озиқланади. Тоғли ҳудудда ўзига 70 дан ортиқ ирмоқларни қўшиб олади ва тоғлик қисмида 300 км дан ортиқроқ масофада оқиб келиб, Ўзбекистон ҳудудига ўтгандан кейин текисликдан оқа бошлайди.

Зарафшон дарёси Самарқанд, Кавоий ва Бухоро вилоятлари аҳолиси учун ягона ичимлик суви манбаи бўлиб, дарё ҳавзасида Ўзбекистон ҳудудида энг йирик ер ости сув манбалари жойлашган. Лекин бу сувдан Зарафшон дарёси текисликка чиққандан кейин асосан Ўрта ва Қуйи Зарафшон ҳудуддаги суғориладиган экин майдонлари озиқланади. Дарёнинг ўртача кўпийиллик сув сарфи Равотхўжа тўғонида 276Дм³/сек ни, минимал сув сарфи 43,3 м³/сек ни, максимал сув сарфи эса 429,0 м³/сек ни ташкил этади. Арид иқлим шароитида бебаҳо ҳисобланадиган Зарафшон сувидан фойдаланишда кишилиқ жамияти ўз манфаатларини қондириш учун тежаб-тергаб, авайлаб сарфламаганлиги ва ҳўжалик фаолиятида дарёнинг барча сувидан тўлиқ фойдаланиб келаётганлиги, дарё сувининг Амударё ҳавзасига етиб бормаслигининг асосий сабабларидан биридир. Ҳозирги даврда табиий омиллардан ташқари инсон омили водий табиатига, сув ресурсларига регионал геоэкологик таъсир кўрсатмоқда. Инсон омили таъсирида Зарафшон дарёсининг суви Бухоро шаҳри ҳудуди яқинида оқим фаолиятини тўлиқ

тўхтатади.

Бебаҳо аҳамиятга эга бўлган Зарафшон дарёсининг суви Ўзбекистон ҳудудига киргунча Анзоб тоғ-бойитиш комбинатининг фаолияти натижасида чиқариладиган оқова сувнинг дарёга қўшилиши, дарё сувининг дастлабки ифлосланишига олиб келади. Сувдаги кислороднинг биологик ўзлаштирилиши 3,3-4,8 мг/л ташкил қилади. Бу белгиланган миқдордан анча юқори. Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларидан чиқадиган оқова сувлар ҳамда "Сиёб"нинг дарёга қўшилиши сувнинг ниҳоятда ифлосланишига, сув сифатининг пасайишига, атроф-муҳит экологиясининг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Зарафшон воҳасида деҳқончилик ривожланганлиги туфайли қишлоқ хўжалик экинлари вегетацияси даври давомида камида 3-4 марта суғорилади. Суғорма ерлар суғориш натижасида ҳосил бўлган оқова сувларнинг аксарият қисми Зарафшон дарёсига ёки каналларга келиб қўшилади. Далаларни суғоришдан ҳосил бўлган оқова сувларнинг дарёга қўшилиши натижасида дарё сувида нитрат бирикмаларининг концентрацияси йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва ҳозирги вақтда белгиланган максимал миқдоридан 10 баробардан кўп.

Воҳадаги барча сув ҳавзаларининг ифлосланишида инсоннинг хўжалик фаолияти таъсири натижасида содир бўлаётган антропоген омилларнинг таъсири асосий ўрин тутаяди. Зарафшон дарёси бўйлаб жойлашган деярли барча йирик аҳоли пунктларида махсус ахлатхоналар ташкил этилмаганлиги ёки мавжуд ахлатхоналарда турли хил чиқиндиларнинг тўпланиб қолганлиги ахлатларни олиб чиқиш ўз вақтида назорат қилинмаганлиги, зарарсизлантирилмаганлиги туфайли, чиқиндиларнинг талайгина қисми дарё ўзанларига, ҳатто бевосита дарё сувига тўкиб келинмоқда.

Дарёнинг ҳар иккала қирғоғида санитар зонанинг сақланишига иттифот этилмаганлиги, туманлар марказларида суюқ чиқиндиларни тозалаш иншоотларининг мавжуд эмаслиги, сув манбаларини турли хил заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланишига олиб келмоқда. Дарё сувида нитрат,

хром, мис оксидлари белгиланган миқдорлардан 2-3 марта ортиқ. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, Зарафшон дарёси ва ундан қадим замонлардан бўён сув оладиган йирик каналлар орқали Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари аҳолисининг асосий ичимлик суви билан таъминлайди.

Ўзбекистонда суғориш ҳавза тизимлари ичида Зарафшон дарёсининг сув ресурсларини тақсимлаш тизими энг йирик тизимлардан бири бўлиб, жуда қадимий ва мураккаб сунъий суғориш шаҳобчаларига эга. Самарқанд воҳасидаги Дарғом, Эски Анҳор ва Нарпай каналлари энг муҳим сунъий суғориш тизимлари ҳисобланади. Шундан Эски Анҳор канали Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ерларини суғоришда муҳим аҳамиятга эга.

Эски Анҳор каналининг бмринчи навбати 1953 йилда, иккинчи навбати эса 1972 йилда ишга туширилган бўлиб, унинг умумий узунлиги 125 км ни ташкил қилади. Канал Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом, Нуробод ва Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманлари ҳудудида жами 59 та сув суғориш шаҳобчаларига бўлиниб кетади. Жами сув ўтказиш қобилияти 60 м³/сек ни ташкил этади. Энг кам сув сарфи (3,67 м³/сек) февраль ойига, энг кўп сув сарфи эса июль (71,63 м³/сек) ойига тўғри келади. Ўртача йиллик сув сарфи 33,3 м³ /сек ни ташкил этади. Эски Анҳор канали қурилиши муносабати билан 17300 гектардан ошиқ ер майдонлари ўзлаштирилиб, суғориш натижасида маданий ландшафтларга айлантирилган ва ҳозирги вақтда асосан ғўза ва дон экинлари экиб келинмоқда.

Канал суви билан суғориладиган жойларда янги аҳоли пунктлари пайдо бўлиши ва мавжуд аҳоли пунктларига яқин бўлган ерлар суғориб деҳқончилик қилина бошлаганлиги натижасида, рельефи пасткам бўлган жойлардаги қишлоқлар ҳудудида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиб, баландликларнинг ер ости ва ер усти қисмлардан қиялик томон оқиб келган сув, қишлоқлардаги бинолар деворларини захлатиб юбораётганлига туфайли, аҳоли янги, суғориш суви таъсиридан ҳоли бўлган жойларда тартибсиз, режалаштирилмаган ҳолда, бинолар қуриб, янги аҳоли пунктларини барпо

қилмоқда. Янгидан барпо этилган турар жойлар янги йўлларни, электр таъминоти учун зарур тармоқларни ва бошқа инфратузилмаларни ташкил қилиш зарур эканлигини тақозо қилади. Бундан ташқари ўй-жой бинолари кўпчилик ҳолатларда каналнинг муҳофаза зонасига қурилганлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлашга катта салбий таъсир кўрсатади. Канал бўйлаб янги аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши натижасида аҳолининг шахсий томорқаларини суғориш учун каналдан кичик шахобчалар казиш ёки насослар орқали ноқонуний сувдан фойдаланиш ҳолатлари мавжудлиги, сувдан фойдаланишда маълум муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, давлат тизимидаги сув хўжалиги, экология ва бошқа ваколатли ташкилотлар, мавжуд камчиликларни олдини олиш учун барча қонуний чора-тадбирларни кўришлари зарур.